

# Ректор ва ёшлар учрашуви



Бугун Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректори Иброҳим Йўлдошев институт ҳудудидаги мавжуд иншоотлар, ўқув хоналари, спорт заллари, хизмат кўрсатиш тармоқлари фаолиятини кўздан кечирди.



Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф номи билан аталувчи кўшда талабалар билан бўлиб ўтган мулоқот асосини ушбу жойни маданий-маърифий масканга айлантириш мавзуси ташкил қилди. Келаётган душанба кунидан бошлаб бир ҳафта давомида мазкур кўшда Театр санъати факультети талабалари томонидан турли тадбирлар ташкил этилади. Шоир қаламига мансуб шеърлар ўқилади. Мушоиралар уюштирилади. Қўшиқлар ижро қилинади.



Келгуси ҳафтада эса бошқа факультет талабалари томонидан шу каби тадбирлар анъанавий тарзда узлуксиз равишда давом эттирилади.





Шу куннинг ўзида институт ректори Халқ ижодиёти факультети “Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ҳамда бошқариш” таълим йўналиши 101-гурух талабалари билан учрашди.



Бу ерда профессор-ўқитувчилар томонидан олиб борилаётган дарс жараёнлари, талабаларни қизиқтираётган масалалар, уларнинг иқтидорларини намён этишлари учун институтда яратилган шароитлар ҳусусида фикрлашиб олинди.



Факультетлар деканлари, профессор-ўқитувчилар, мазкур иншоотга масъуллар иштирокида бўлиб ўтган мулоқотда ўқув хоналарининг ҳолати, уларни замонавий талаблар даражасида жиҳозлаш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича аниқ кўрсатмалар берилди. Институтда ҳар ҳафтанинг пайшанба куни “Тозалик куни” деб белгиланган. Бунга барча бирдек амал қилиши лозимлиги яна бир бор таъкидланди.

**Матбуот котиби**